

ўйретуғин, балаларди ўлкен спортқа таярлауда paydali ekanligin ilimiy hām ameliy jaqtan dālillengen.

Milliy hāreketli oʻyinlarning kūndelikli turmisimizda mekteplerde, ūy dōgereginde, sport sekciyalarında, mektepkе shekemgi tārbiya orinlarda jas ōzgesheliklerine qarap oʻyinlardi oynatiw balalar sportiniw rawajlanıwına ayırıqsha unamli tāsirin tiygizedi degen ūmittemiz [3].

Sōzimizdiñ dālili retinde kūshti, shaqqanliqtı rawajlandırıwshı hāreketli milliy oʻyinlarda «arqan tartıspaq», «qorazlar urısı», «kim kūshti», «toptı berme», «top ılaqtırsıw», «berde qash», «ushti, ushti ne ushti», «āwele-men-dūwelemen», «shağala balıqshılar», «arpa-gūrpe», «qasharman top» hām t. b. balalar ushın tārbiyalıq āhmiyetke iye oʻyinlardi taqlap alıp paydalansaқ Prezidentimizdiñ balalar sportın rawajlandırıw haqqındaqı qararların maqullap ūlken ūles qosqan bolamız.

Jas āwladlardı erteñgi kūngi xalıq mápine ayanbay

Адебиатлар

1. / «Qaraqalpaqstan jasları». 2012, 16-fevral, № 7.
2. Shilmanov P.Sh., Korseev O.B. Karakalpakskie podvignye igrı v shkole. –Nukus: 1978.
3. Xōjaev P. Sport harakatli oʻyinlar va unı ōkitish metodikasi. TDPU nashriyoti, -Toshkent: 2008.
4. Shilmanov P. Milliy bolalar oʻyinlari. –Nukus: «Bilim», 1996.
5. Shilmanov P.Sh. Hāreketli oʻyinlar 1-4 klas ushın. –Nōkis: «Bilim», 1996.

Maqolada yosh avlodga tezlik, chaqqonlik, chidamlilik, kuch-quvvat, harakatchanlik kabi fazilatlarini tarbiyalashda Qoraqalpogʻiston milliy ochiq oʻyinlarining ahamiyati va ulardan foydalanish yoʻllari haqida maʼlumotlar berilgan.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье представляется информация о важности и способах использования национальных подвижных игр Каракалпакстана в воспитании у подрастающего поколения таких качеств как: быстрота, скорость, выносливость, сила, подвижность.

SUMMARY

In this article provides information about the national dances of the people of Karakalpakstan, with the help of the tradition to educate and use our youth in dexterity, speed, ingenuity, mobility, endurance, strength, nationality.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИ ҲАМДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Н.Шопулатов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, таълим, тизим, илм-фан, этика, жараёнлар, ифодалаш, ворисийлик, янги сўзлар, плагиат, муқобил, ижтимоий институт, тушунча, атама, ривожланиш, императивлар, позиция.

Ключевые слова: физическое воспитание, спорт, образование, система, наука, этика, процессы, выражение, преемственность, новые слова, плагиат, альтернатива, социальный институт, концепция, термин, развитие, императивы, позиция.

Key words: physical education, sport, education, system, science, ethics, processes, expression, continuity, new words, plagiarism, alternative, social institution, concept, term, development, imperatives, position.

Ҳар бир соҳа вақт ўтиши ҳамда янги технологияларнинг кириб келиши билан ўзгаришларга учрайди. Вақт ва ўзгаришларнинг таъсири натижасида соҳадаги жараёнларни тартибга солиш, ривожланиш сари йўналтириш, малакали мутахассислар тайёрлашдаги жараёнларда уч авлод вакиллари ўртасидаги муносабатларни назорат қилиб, тараққиёт сари йўналтириш зарур ҳисобланади. Айниқса, ўзаро тушуниш жараёни ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг ўз функцияларини бажаришини таъминлаш, соҳадаги олимларнинг ахлоқийлик императивларга қаттиқ риоя қилишини ва шахсий позициясига қаттиқ амал қилишга олиб келувчи ижтимоий муҳитни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаридандир. Чунки, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси социал институт сифатида шаклланиб, жамият ҳаётининг барча бўғинларига кириб борди. Инсонлар кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб бормоқда. Бу эса жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги малакали мутахассислар тайёрлаш тизимининг назарий ва амалий қисмини такомиллаштириб боришни ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни ўрганиб, тегишли чора-тадбирларни қўриб боришни тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳадаги етакчи мутахассислардан Л.П.М.Матвеев, В.Н.Платонов, В.И.Ляхлар малакали мутахассислар тайёрлаш ишларини тизимли равишда ривожлантириб бориш зарурлигини таъкидлашган. Бироқ мазкур ишларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали

хизмет ететуғин сап денели азамат этип тārbiyalap shığarıw-būgingi kūnniñ ūlken wazıypası bolıp otır. Bul wazıypanı orınlawda balanı jūdā jas waqtınan dene tārbiyasına ūy-retiw, olardıñ oʻyinlar arqalı tārbiyalaw ūlken āhmiyetke iye. Bul āhmiyetli jumıstı balanıñ kishkentay waqtınan baslasa, solğurlım jemisli bolatuğının ilim is jūzinde anıq dālillep atır. Bolajaқ azamatıñ den sawlıgın jaqsılaw, shaqqan, jigerli, simbatlı etip ōsiriw hām olardı tārbiyanıñ basqa tūrleri menen baylanıstırıp, ilimiy tiykarda jūrgiziw mektep jasına deyingi balalar mākemeleri aldında turğan wazıypa bolıp tabıladı. Bul tarawda baspadan shıqqan ayırım az muğdardağı awdarma kitaplar bolmasa, qaraqalpaq tilinde shıqqan oqıw quralları joq esabında [5].

Sonıñ ushın da, bul usınılıp otırğan kitapsha bala baqshaları tārbiyashılarına, mektep oqıwshılarınıñ dene shınıqtırıw sabaqlıǵına qosımsha qural boladı degen ūmittemiz.

мутахассислар тайёрлаш жараёнидаги янги атамаларнинг кириб келиши, жараёнларни тўғри ифодаловчи сўзларни ишлатиш, ёш олимларнинг ахлоқий тамойиларга риоя қилиши жараёнларини қамраб олган масалалар эътиборга олинмаган.

Мақсад. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнлари ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда соҳада илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш.

Методлар.Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатувлар, анкета сўровномаси каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги фанларнинг ривожланиши ортидан илмий-тадқиқот ишларида кўпгина муаммолар юзага кела бошлади. Асосан, дунё микёсида авж олиб бораётган кўчирмачилик (плагиат) муаммолари бўлса, яна соҳага хорижий ва бошқа соҳалардан кириб келаётган атама ва тушунчаларнинг ёш авлод томонидан тўғри қабул қилиш жараёнларини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилмаётганлиги каби муаммолар назоратдан четда қолиб келмоқда.


Ҳар бир фан йўналишида назарий тадқиқотлар ташкил қилинмас экан улар албатта ўз таъсири амалий йўналишда ҳам кўрсатади. Фан ривожланишига ижобий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, соҳа мутахассисларида ўз соҳасига бўлган ахлоқий тамойилларга асосланган “қатъият”ни шакллантириб бориш

муҳим ҳисобланиб, фанинг барқарор ва узлуксиз ривожлантиришини таъминлаб беради. “Спорт тўғрисидаги фанининг назариялашуви унинг назариялар билан тўйиниши, унда назарий фикрлар ролининг ошиши, фан тузилишининг юзага келган қайта қурилиши декмакки, натижада унинг самарадорлиги кўпроқ назарий тадқиқотларга боғлиқ бўлиб қолади” [3:10].

Ҳозирда дунёда олимлар фаолиятини этика жиҳатдан баҳолаб борадиган ташкилотлар ташкил топиб, ахлоқ қоидаларини жорий қилиб келмоқда. Биргина “Германияда тадқиқотларни ташкил этиш бўйича 53 та этика қўмитаси бўлиб, соҳалар бўйича илмий тадқиқотларнинг ахлоқий қоидалар асосида ташкил қилинишини назорат қилиб боради”[5]. Илмга ахлоқ қоидаларининг жорий қилиниши инсоният ҳаётига хавф солувчи ихтироларнинг пайдо бўлишини олдини олиб, олимлар ичида носоғлом рақобатнинг вужудга келишига ҳамда турли иллатларнинг шаклланишга йўл қўймайди. “Илм ахлоқи нима жоизлигини, нимани рағбатлантирилишини ва турли вазиятларда олим учун қабул қилинмайдиган ва қабул қилинмайдиган нарсаларни белгилайди”[4].

Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонуннинг “Олий таълим муассасаларида илмий фаолият юритиш” номли 17-моддасининг иккинчи хат бошисиди “Олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари тегишли йўналишларда илмий фаолият билан шуғулланишлари шарт” деб қайд этилган. Шунингдек, мазкур қонуннинг “Илмий фаолият юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланган 14-моддаси 9 хатбошисиди, Илмий фаолият юритувчи шахслар: Инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликка; Кўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирмасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка; Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдилар, деб таъкидланган [2].

Мазкур қонун-қоидаларнинг жорий қилиниши илм-фанда кўпгина иллатларнинг авж олишини тўхтатиб, олимларни белгиланган қоидаларга риоя қилиб ишлашга ўргатмоқда. Натижада эса жамиятда олимнинг ахлоқийлик тамойиллари шаклланди. Ушбу ахлоқий қоидаларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам шакллантириш, шу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимларга тушунтириш ҳамда тизимга хориж тажрибаси асосида ахлоқийлик тамойилларини шакллантириш соҳа ривожиди муҳим аҳамият касб этади (1-расм).



1-расм. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ўртасида ахлоқ мезонларини амал қилмаслигининг салбий оқибатлари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар схемаси.

Бизга маълумки ҳар бир соҳа тараққиётида сўз ва атамалар ворисийлик тамойилини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ҳар бир соҳадаги ўзгариш ва янгиликларни ўзида ифодалаш билан бирга бошқа бир инсонга етказиб беришда иштирок этади. Шу орқали маълум бир соҳадаги янгиликларни ўрганиш, ўзлаштириш жараёнлари ривожланиб боради. Бу эса улардаги янгилик ва ўзгаришларни тўғри тушуниш, бошқаларга тўғри етказиш заруриятини юзага келтиради. Мазкур жараёнда янги сўз ва атамалар иштирок этиб бошқаларда янгилик ҳақида ахборотнинг шаклланишига ҳамда шу ахборотнинг осон ва тўғри тушунишга ёрдам беради.

Айниқса, маълум бир соҳани ўрганишда шу соҳага оид бўлган сўз ва атамаларни тўғри тушуниш соҳанинг қонуниятларини ўрганишда, малакали мутахассис бўлиб етишишда зарур ҳисобланади.

Ёш алодни тарбиялашда, маълум бир касбга бўлган меҳрни шакллантиришда ҳам сўз ва атамалар шу касбнинг хусусиятларини, сир-асрорларини ўзида ифода этади. Бу жараёнда ўқитувчилар ва мураббийларнинг вазифаси касб ёки соҳадаги ўзига хос хусусиятларни ёш алодни тўғри тушунтира олиш, керакли сўз ва атамаларни қўллаш олиш керак бўлади. Чунки, маълум бир жараён тўғри тушунтирилмас экан ўз ортидан катта хатоларни, тушунмовчиликларни олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам соҳаларнинг ривожланиши, янгиликларнинг пайдо бўлиши, уларда ихтироларнинг амалга оширилиши негизида уларни ифодаловчи атамаларнинг юзага келиши табиий жараён бўлиб, сўз ва атамаларнинг ҳамма учун тушунарли, талаффуз қилиш осон бўлиши муҳим ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳада вужудга келаётган сўз ва атамаларни ўрганиб бориш, мазмун-моҳиятини тушуниш соҳадаги янгиликларни тез ўзлаштириш, тўғри тушуниш ҳамда бошқаларга тўғри етказишда асосий вазифани бажаради. Айниқса, аниқ фанлар тизимидаги янгиликларнинг кириб келиши, уларни ифодаловчи янги сўз ва атамаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, уларнинг ўрганиш, мазмун-моҳиятини тушуниш ҳамда ўзбек тилига тўғри таржима қилиш, атаманинг ўзбек тилидаги муқобилини шакллантириш керак бўлади.

Ушбу жараёнларнинг ривожланишини тўғри таҳлил қилиш ҳамда кириб келаётган янги сўз ва атамаларни ўрганиб бориш учун тизимли ишларни ташкил қилиш зарур ҳисобланади. Хусусан, соҳадаги ўзгаришларни, янгиликларни ҳолати ҳақида маълумотларга эга бўлиш учун илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Мазкур жараённи тизимли равишда тартибга солишда ижодий гуруҳларни ташкил қилиш орқали жисмоний тарбия ва спорт бўйича энциклопедиялар, изоҳли луғатларни яратиб бориш ўз самарасини беради. Жумладан, ҳар бир спорт тури бўйича изоҳли луғатларни яратиш спорт турининг қонуниятларини ўзлаштиришга, янги илмий ихтироларнинг аҳамиятини ўрганишга ёрдам беради.

Хулосалар:

Умуман олганда ўтказилган тадқиқот натижалари ҳамда мавжуд манбалар таҳлили жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таълим бериш ҳамда илмий-тадқиқотларни ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам олимлар фаолиятини назорат қилиб борувчи ахлоқ қўмиталарини ташкил қилиш зарур ҳисобланади. Бундай қўмиталарнинг ташкил қилиниши олимлар ўртасида кўчирмачилик ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларини олдини олиб, ўзининг ахлоқийлик тамойилларига эга бўлган олимлар авлодининг шаклланишига олиб келади;

иккинчидан, спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муаммоларни ўрганишга йўналтирилган лойиҳалар танловини ташкил қилиш, уларни молиялаштириш ҳамда ижодий гуруҳларни шакллантиришда ҳар бир соҳадан малакали мутахассисларни жалб қилиш орқали жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид янги сўз ва атамаларни қўллаш бўйича ўқув адабиётлари (энциклопедия, изоҳли луғат) яратиш;

учинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий изланиш олиб бораётган изланувчиларнинг илмий ишларини мазкур муаммоларни ўрганишга йўналтириш, ёшлар ўртасида илмда ахлоқийлик императивлари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид янги сўз ва атамаларни қўллаш муаммоларини ўрганишга йўналтирилган илмий мактабларни шакллантириш ва ривожлантириб бориш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар заҳирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни. 18-б.
3. Керимов Ф.А. Спортда илмий тадқиқотлар – дарслик. –Тошкент: Илмий тахника ахбороти – пресс нашриёти, 2021. 380-б.
4. Цык В.А., Саввина О.В. Этика науки и этика научных публикаций. // «Человек и культура». 2017. № 3. -С. 8-22.
5. <http://www.eurecnet.org/information/germany.html>.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таълим бериш ҳамда илмий-тадқиқотларни ривожлантириш муаммолари таҳлил қилинган бўлиб, соҳада ворисийликни таъминлашда тушунча ва атамаларни тўғри ишлатиш, қабул қилиш масаллалари ҳамда илмий ишларни тайёрлашда “плагиат” ҳолатларини олдини олиш ишларини назорат қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются проблемы образования, а также развития научных исследований в области физической культуры и спорта, вместе с этим разработаны предложения и рекомендации по правильному использованию понятий и терминов в обеспечении преемственности в данной области, контролю работ по предотвращению случаев плагиата в подготовке научных работ.

SUMMARY

This article analyzes the problems of education, as well as the development of scientific research in the field of physical culture and sports, along with this, proposals and recommendations are developed for the correct use of concepts and terms in ensuring continuity in this area, control of work to prevent plagiarism in the preparation of scientific papers.

JISMONIY MADANIYAT FAKULTETI TALABALARINING TABIIY - ILMIY SIKL FANLARI BO'YICHA MATEMATIK KOMPETENSIYALARINI TADQIQ QILISH

N.E.Yuldasheva – o'qituvchi

*Jismoniy tarbiya va sport mutaxassislarini qayta tayyorlash
va ularning malakasini oshirish instituti Farg'ona filiali*

Tayanch soʻzlar: matematik kompetensiya, fanlararo aloqadorlik, shakllanganlik darajasi, pedagogik test, tabiiy-ilmiy sikl fanlari, kasbiy bilim, savol-javob, befarqlik (indiferentlik) va vaziyatga bogʻliqlik.

Ключевые слова: математическая компетентность, межпредметная связь, уровень сформированности, педагогический тест, естественные науки, профессиональные знания, вопрос-ответ, равнодушие (индифферентность) и ситуационная зависимость.

Key words: mathematical competence, interdisciplinary communication, level of formation, pedagogical test, natural sciences, professional knowledge, question-answer, indifference (indifference) and situational dependence.

Muammoning dolzarbligi. Ixtisoslashtirilgan fakultet talabarlari oʻrtasida oʻtkazilgan soʻrovnomasida asosida boʻljak mutaxassislarining jismoniy madaniyat sohasidagi kasbiy bilimlari holatini tahlil qilish shuni koʻrsatdiki, maktab taʼlimi tizimidagi faoliyat olib borilishi uchun tabiiy-ilmiy sikl bilan bogʻliq fanlar uchun yaratilgan nazariya bazasi qoniqarsiz holati omillari aniqlandi, bu esa oʻz navbatida mutaxassislarining jismoniy tarbiya va sport mashgʻulotlari va sogʻlomlashtirish tadbirlari olib borishlar va ularning samaradorligiga sezilarli taʼsir qiladi.

Mazkur tadqiqot ishi Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-martdagi “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PF-5368-son qarorida belgilangan vazifalar ijrosiga katta hissa qoʻshadi, sport”, shuningdek, jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirishga qaratilgan boshqa bir qator huquqiy hujjatlarni ijrosini koʻrib chiqishga turtki boʻla oladi.

Maqsad. Pedagogik eksperiment oʻtkazish jarayonida jismoniy madaniyat fakulteti talabalarining vakillik kontingenti boʻyicha oʻtkazilgan sotsiologik tadqiqotlar boʻljak mutaxassislarining ular oʻrganayotgan professional

kasbiy taʼlim sohasidagi matematik qobiliyat (kompetentligi) darajasini aniqlashga qaratilgan.

Tadqiqot usuli. Jismoniy madaniyat fakulteti talabarlari oʻrtasida savol-javob oʻtkazish metodi.

Tadqiqot natijalari. Pedagogik eksperiment davomida olingan eksperimental maʼlumotlar monitoringi shuni koʻrsatdiki, Jismoniy madaniyat fakulteti talabalarining 71,2 foizi tabiiy-ilmiy sikli fanlari, ayniqsa, matematika va biomexanika fanlari boʻyicha olgan nazariy bilimlaridan kundalik amaliyotda sust foydalanmoqda (1-jadval). Nazorat guruhida oʻtkazilgan shunga oʻxshash tadqiqotlar shuni koʻrsatdiki, bu koʻrsatkich atigi 53,4% ni tashkil qiladi.

Eksperimental guruh talabalarining asosiy ustunligi (71,5%) fanlararo aloqalarni tushunish, ularning ahamiyati va universitetdagi taʼlimning butun sikli uchun zarurligini anglash boʻlimlarida aniqlandi.

Oʻtkazilgan pedagogik eksperiment yakunida olingan maʼlumotlar shuni koʻrsatdiki, oʻqituvchilarning maʼlumotlariga koʻra, eksperimental guruh va ikkala guruh talabalarining 87,1 foizi (nazorat – 79,4 foiz, eksperimental – 90,9 foiz) tabiatshunoslik fanlari tsiklidan olgan bilimlarini jalb qilish bilan mashgʻulot tashkil qilish jarayoni boʻyicha oʻquv dasturini tuza oladilar.